

Ассалому алайкум қадрли юртдошлар!

Азиз меҳмонлар!

Авваламбор Сизларни, Сизлар орқали вилоятимизнинг барча аҳолисини халқимизнинг муқаддас айёми, яшариш, янгиланиш байрами - Наврўзи олам билан чин қалбимдан, қизгин табриклайман.

Муҳтарам Юртбошимиз байрам муносабати билан қилган маърузаларида **“Наврўзи олам биз учун энг қадимий, асл миллий, турли мафкура ва сиёсатлардан ҳоли, урф-одатларимизга ва қадриятларимизга жавоб берадиган шодиёнадир. Бу ҳақиқатни мустақиллик йилларида ҳар бир инсон қалбан англаб етди”**, деган эдилар.

Ҳақиқатдан ҳам бу байрамда одамлар ўзаро ғараз, гина ва низоларни унутиб, фаровон ҳаётни қадрига етиш, ҳамжихатлик ва меҳр-мурувват нақадар бебаҳо бойлик эканлигини яна бир карра тафаккурдан ўтказадилар.

Бугун дунёнинг турли бурчакларида бўлаётган хунрезликлар, сиёсий ўйинлар қанча-қанча халқларнинг бошига кулфат ёғдирмоқда. Мана мен деган давлатлар ҳам бесаранжом. Бизнинг Ватанимизда эса шукурки, тинч осмон остида бунёдкорлик ишлари рўёбга чиқариляпти.

Муҳтарам Президентимиз раҳнамолигида одамлар ўзларининг меҳнати ва фидойилиги самараларини кўриш, фаровонлик гаштини суриш, ҳуррият берган бебаҳо неъматлардан бахраманд бўлиш лаззатини ҳис этиб бахтли яшаяптилар.

Мана шундай фахр ва ифтихор туйғуларини кўнглимиздан ўтказар эканмиз, Ватанимиз хавфсизлиги ва барқарорлигини таъминлаш, шу заминда ҳукм сураётган осойишта ҳаётни кўз қорачиғимиздек асраш, азиз фарзандларимизни турли иллатлар ва бузғунчи ғоялардан ҳимоя қилиш барчамизнинг муқаддас бурчимиз эканлигини чуқур англаймиз.

Юртбошимиз кунни кеча айтганларидек, дунёда бизга ҳавас қилаётганлар, юқори суръат билан олиб борилаётган ободонлаштириш ишларимизга, ҳар бир хонадондаги мўлкўлчилик, дастурхонимиз тўкинлигига тан бераётганлар кўпайиб боряпти.

Янги иш жойларини ташкил этиш, айниқса, ёшларни ва хотин-қизларни иш билан таъминлашга қаратилган чора-тадбирлар натижасида ўтган йили 80 мингдан ортиқ янги иш ўринлари яратилди. Уларнинг 50 фоиздан ортигини коллеж битирувчилари эгаллади. Шу йилнинг ўтган икки ойида 5 мингдан ортиқ янги иш ўринлари бунёд этилди.

Ишлаб чиқаришнинг барча тармоқларида, кичик бизнес соҳасида яқин 2 мингта янги кичик бизнес субъектлари ташкил этилди ва уларнинг сони вилоятда қарийб 23 мингтага етди.

Аҳолини тоза ичимлик суви билан таъминлаш, йўлларни тартибга солиш ишлари жадал суръатларда давом этяпти. Ўтган йили вилоятда намунавий лойиҳа асосида 977 та уй-жой барпо этилган бўлса, бу йил 1060 та ана шундай уй-жойлар қурилиши олиб бориляпти.

Вилоятимиз ёшлари учун Андижон шаҳар, Балиқчи ва Асака туманларида кўп-қаватли уйлар қурилиб, 144 та ёш оилаларга имтиёзли кредитлар асосида берилди. Шундай уйлар қурилиши вилоятда тизимли давом этади.

Андижон шаҳрининг Истиқлол ва Миллий тикланиш кўчаларидаги қурилиш, ободонлаштириш ишлари ниҳоясига етди. Навоий шоҳ кўчасида яна 5 та кўпқаватли турар жой биноси қуриб битказиляпти. Бобуршоҳ, 80 мертли ва яна 20 дан ортиқ кўчаларда қурилиш ва ободонлаштириш ишлари кенг кўламда олиб борилмоқда.

Андижон шаҳрини марказини белгилашга алоҳида эътибор қаратдик. Эски шаҳар худудида катта яшил майдон яратиш, Хотира майдонида ва Навоийшоҳ кўчасининг шу қисмида ободонлаштириш ишларини кенг кўламли ташкил этиш орқали вилоятимиз марказининг халқаро андозаларга мос бўлиши чоралари кўриляпти.

Бу бунёдкорлик ишларида вилоятимизнинг кўплаб ташкилот ва идоралари ходимлари фаол иштирок этишяпти. Бугун Сизларнинг иштирокингизга уларга ўзимнинг алоҳида миннатдорлигимни билдираман.

Халқимиз эзгу анъаналарига содиқлик билан куни кеча бўлиб ўтган умумхалқ шанбалигида фаол қатнашди. Шу куни вилоятимиз бўйича икки миллиондан ортиқ фуқаро ўз ҳудудларини ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштиришда иштирок этди.

Вилоятда 7 миллион тупдан ортиқ мевали, манзарали дарахт ва гул кўчатлари ўтказилди. Ўн миллион тупдан ортиқ қаламча экилди. Мингдан ортиқ оилага моддий ёрдам кўрсатилди. Наврўз айёмида вилоятимизда 64 та янги иншоотлар фойдаланишга топширилди. Бу ишларнинг ҳаммасида Сиз азизларнинг бевосита иштирокингиз бор албатта.

Азизлар!

Наврўз деҳқончилик ишларининг қизгин бошланиш палласидир. Иқтисодиётимизнинг таянчи бўлган пахтачилик соҳасида эришилган муваффақиятларимизни янада кўпайтириш учун бу йил ҳам катта мақсадларни олдимизга қўйганмиз.

Ерга чигит тушадиган кун - Қўш ошида нуроний отахонларимиз, тажрибали деҳқонлар пайкал бошида яхши ниятлар билан бу йилги ҳосилга дуои-фотиҳа бердилар.

Ғаллазорларимизда эртага дастурхонимизга ризқ бўлиб тушадиган, деҳқоннинг даромадини оширадиган буғдой парвариши сифатли олиб бориляпти.

Қадрли байрам қатнашчилари!

Наврўз байрами азалдан покизалик, орасталик, меҳроқибат, хайру саҳоват тимсолидир.

Ота-боболаримиз доимо Наврўз айёмида дуога қўл очиб, шукроналар келтириб, Яратгандан тинчлик, омонлик, баракот, эртанги кунимизга омад тилашган. Хонадонларни, кўча ва маҳаллаларни обод қилганлар.

Етим-есир, бева-бечора ҳамда хастаю муҳтожларга меҳрибонлик, саҳоват ва мурувват кўрсатишган. Яқинларини йўқлашган, кексаларни эъзозлашган, аёллар ва болаларга меҳр-оқибатли бўлишган.

Юртбошимиз вилоятимизга ташрифи чоғида гўзаллик тимсоли бўлган опа-сингилларимизни алоҳида шарафладилар. Ҳақиқатдан ҳам ўзининг борлиғи, гўзаллиги билан барчамизни ғайрат-шижоат, меҳр-муҳаббат билан яшашга, бунёдкорлик ишларига чорловчи аёлларимиз бахтимизга доимо соғ-омон бўлсинлар.

Барча олижаноб ҳаракатларимиз негизида, эзгу ниятларимиз замирида фарзандларимизни жисмонан ҳамда маънан соғлом қилиб вояга етказиш, дунёда ҳеч кимдан кам бўлмайдиган авлодни тарбиялаш вазифаси мужассамдир. Масалага шу нуқтаи назар билан қараганда, Наврўз - баркамоллик, навқиронлик ва гўзаллик айёми сифатида ҳам қадрлидир.

Йигит ва қизларимизнинг барча соҳаларда эришаётган ютуқлари Ўзбекистон ёшларига муҳтарам Юртбошимиз томонидан кўрсатилаётган оталарча ғамхўрликнинг натижаси, албатта.

Яқинда Андижон давлат университети қошидаги 2-сон академик лицейнинг ўқувчиси Гўзалоӣ Абдуллаева Зулфия номидаги давлат мукофотига сазовор бўлди.

Чемпионлик, совриндорлик ва ғолиблик ярашадиган ёшларимиз билан ҳар қанча фахрлансак арзийди. Уларга доимо омадлар ёр бўлишини тилаймиз.

Азиз юртдошлар!

Очиғини айтганда ўзбек халқининг кўнгли тоза, нияти улуғ, орзулари баянд бўлганлиги учун ҳам Яратган эгам бу юртни чинакам бахт, саодат, фаровонлик, ҳамжиҳатлик, тотувлик ва ободлик каби ноёб неъматлари билан сийлаяпти.

Бугун йил аввали, деҳқончилигимиз боши, эзгу умидларимиз рўёби байрамини кенг нишонлаётган бўлсак, яқинда демократия кўзгуси ҳисобланган Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови кунини зўр уюшқоқлик билан ўтказамиз.

Жамиятимизда юксак маънавий муҳитни қарор топтириш, бутун дунёда кечаётган глобал ўзгаришлар даврида халқимизнинг азалий қадриятларини асраб-авайлаш зарурлигини бу йилги Наврўз айёмида яна бир карра чуқур ҳис қиляпмиз.

Илоҳим, жаннатмакон, ҳур Ўзбекистонимизга кўз тегмасин! Наврўз каби миллий қадриятларимиз ҳеч қачон ўлмасин.

Сўзимни якунлар эканман, яна бир бор Сизларни, Сизлар орқали Андижоннинг барча аҳлини, қадрли меҳмонларимизни қутлуғ айём билан муборакбод этиб, хонадонларингиздан файз-барака аримаслигини, мустаҳкам соғлиқ ва хуш кайфият ҳамиша ҳамроҳингиз бўлишини тилайман.

Байрам ҳаммамизга муборак бўлсин, азиз ҳамюртлар!

Эътиборингиз учун раҳмат!